Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

• 2013-yil, 19-mart. Seshanba • 32-33 (31.623) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## «ЖИЗЗАХ» МАХСУС ИНДУСТРИАЛ ЗОНАСИНИ БАРПО ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Юқори қўшилган қийматга эга бўлган рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий, юксак технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитларни шакллантириш, Жиззах ва Сирдарё вилоятларининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ҳамда самарали фойдаланиш, шу асосда янги иш жойларини яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш мақсадида, шунингдек Ўзбекистонда ўзбек-хитой саноат паркини барпо этиш лойиҳасини амалга ошириш бўйича ўзаро англашув тўғрисидаги меморандумга мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ҳокимлигининг Жиззах вилоятида Сирдарё вилоятининг Сирдарё туманида филиали бўлган «Жиззах» махсус индустриал зонасини (кейинги ўринларда — «Жиззах» МИЗ деб юритилади) 1-иловага мувофиқ ҳудудлар чегаралари доирасида барпо этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ҳокимлиги билан биргаликда бир ой муддатда «Жиззах» МИЗ таркибига киритиладиган ер майдонларининг чегараларини аниқ белгиласин ва ерларнинг тегишли равишда ажратилишини таъминласин.

Белгилаб қўйилсинки, «Жиззах» МИЗ таркибига киритилган ер майдонлари Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ҳокимлигининг бевосита тасарруфида бўлади ҳамда «Жиззах» МИЗ Маъмурий кенгаши билан келишилган ҳолда ажратилади.

2. Қуйидагилар «Жиззах» махсус индустриал зонаси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

ички ва ташқи бозорларда рақабатбардош бўлган юқори қўшилган қийматга эга маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича замонавий, юксак технологияли ва инновацион ишлаб чиқаришларни барпо этиш ва уларнинг самарали фаолият юритиши учун тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш;

махсус индустриал зонага кирувчи минтақаларнинг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш, минерал-хомашё ресурсларини ва қишлоқ хўжалик хомашёсини чуқур қайта ишлаш бўйича янги ишлаб чиқаришларни барпо этиш;

махсус индустриал зона ва умуман республика корхоналари ўртасида мустаҳкам кооперацион алоқалар ўрнатиш ҳамда саноат кооперациясини ривожлантириш асосида маҳаллий хомашё ва материаллар негизида юксак технологияли маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш;

«Жиззах» МИЗ ҳудудида транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилманинг жадал ривожланишини ва улардан самарали фойдаланишни таъминлаш.

3. Белгилаб қўйилсинки, «Жиззах» МИЗнинг фаолият юритиш муддати 30 йилни ташкил этади ва бу муддат кейинчалик узайтирилиши мумкин;

«Жиззах» МИЗ фаолият юритадиган муддат мобайнида унинг ҳудудида махсус солиқ тартиби ва божхона имтиёзлари амал қилади;

«Жиззах» МИЗ қатнашчиси мақоми «Жиззах» махсус индустриал зонаси Маъмурий кенгашининг қарори билан берилади.

4. «Жиззах» махсус индустриал зонасининг Маъмурий кенгаши 2-иловага мувофиқ таркибда ташкил қилинсин.

«Жиззах» махсус индустриал зонаси Маъмурий кенгашининг асосий вазифалари ва функциялари қуйидагилардан иборат этиб белгилансин:

корхоналарга «Жиззах» МИЗ қатнашчиси мақомини бериш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

«Жиззах» МИЗда лойиҳаларни амалга ошириш учун масъул бўлган вазирликлар ва идораларнинг, хўжалик бирлашмаларининг лойиҳа, тендер ва контракт ҳужжатларини ўз вақтида тайёрлаш ҳамда уларнинг экспертизасини ўтказиш борасидаги ишларини, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг «Жиззах» МИЗ фаолияти билан боғлиқ масалалардаги ишларини мувофиқлаштириш;

ишламаётган корхоналарни ва давлат эгалигидаги мол-мулкни «Жиззах» МИЗ қатнашчиларига нолга тенг харид қиймати бўйича сотиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

«Жиззах» МИЗнинг самарали фаолият юритишини ташкил қилиш, «Жиззах» МИЗ Дирекциясини шакллантириш ва унинг фаолияти устидан назорат олиб бориш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.

5. «Жиззах» махсус индустриал зонаси қатнашчилари:

юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, уларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлашдан, кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови, шунингдек, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан;

республикада ишлаб чиқарилмайдиган, лойиҳаларни амалга ошириш доирасида «Жиззах» МИЗ ҳудудига Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича олиб кириладиган ускуналар, бутловчи буюмлар ва материаллар бож тўловлари (божхона йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, юқорида кўрсатиб ўтилган имтиёзлар киритилган инвестицияларнинг ҳажмига қараб 3 йилдан 7 йилгача муддатга берилади, шу жумладан эквиваленти:

300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача бўлганда — 3 йил муддатга;

3 миллион АҚШ долларидан ортиб 10 миллион АҚШ долларигача бўлганда — 5 йил муддатга;

10 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлганда — 7 йил муддатга берилади.

6. Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ҳокимлиги «Жиззах» махсус индустриал зонанинг Маъмурий кенгаши қарорлари бўйича белгиланган тартибда «Жиззах» МИЗда лойиҳаларни амалга оширувчи инвесторлар учун қуйидагиларни таъминласин:

биринчи навбатда собиқ саноат зоналарининг фойдаланилмаётган ҳудудларида корхоналар қуриш учун ер майдонларини ўз вақтида ажратиш;

муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси тармоқларига уланиш учун барча зарур рухсатномаларни «бир дарча» тамойили асосида бериш.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ «Жиззах» МИЗда қатнашувчи хўжалик юритувчи субъектлар учун «Ўзбекэнерго» ДАК, «Ўзтрансгаз» АК, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ҳокимлиги бўлинмалари ва бошқа муҳандислик-коммуникация хизматларини етказиб берувчилар коммуникацияларни ишлаб чиқариш майдончаларига туташтирган ҳолда кафолатли уланишини таъминлайдилар.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Жиззах» МИЗга ажратиладиган ҳудудларга бюджет маблағлари ва бошқа ички молиялаш манбалари ҳисобидан ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш, модернизациялаш ва янада ривожлантиришни таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси «Ўзбекэнерго» ДАК, «Ўзтрансгаз» АК, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, «Ўзавтойўл» АК, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ҳокимлиги билан биргаликда уч ой муддатда «Жиззах» махсус индустриал зонаси ҳудудида транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш дастурини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда «Жиззах» МИЗ Дирекциясини ташкил этсин ва «Жиззах» махсус индустриал зонаси фаолиятини ташкил этиш бўйича қарор қабул қилсин, унда «Жиззах» махсус индустриал зонаси тўғрисидаги Низом ҳамда «Жиззах» махсус индустриал зонаси Маъмурий кенгаши ҳақидаги Низомни тасдиқлаш назарда тутилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг Вазирлик таркибидаги Хорижий инвестицияларни жалб этиш бошқармасининг Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими ходимлари сонини 2 нафар штат бирлигига ошириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2013 йил 18 март*

ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти



## ЁШ СИЁСАТЧИЛАР

*ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошмоқда*

**Ёшлар миллат келажаги, мамлакат таянчи. Уларнинг ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол бўлиб вояга етиши, Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси билан улғайиши юртнинг порлоқ келажагини таъминлайди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси «Истиқбол» ёшлар қаноти фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳам ана шу эзгу мақсадларга қаратилган. Шу боис ЎзХДП ташкилотларида сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан фаол, ислоҳотлар моҳиятини чуқур англайдиган, бу жараёнларда муносиб иштирок этаётган ёшлар сафи тобора кенгайиб бормоқда.**

⇨ 2

Муносабат

**Бугун юртдошларимиз, айниқса ёшлар, спортчи ва мураббийлар Президентимиз Ислом Каримовнинг Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгаши йиғилишидаги маърузасини ойнаи жаҳон орқали ҳаяжон билан тинглашгани, газетада қайта-қайта ўқиб чиқишганини бир-бирларига фахр-ифтихор билан гапиришмоқда, мамлакатимизда йилт этган истеъдодни юзага чиқариш учун замонавий шарт-шароитлар яратилаётганини мамнуният билан таъкидлашаяпти. Улар юртимизда баркамол авлодни, чемпионларни, комил инсонларни тарбиялашда ҳар биримиз масъул эканимиз тўғрисида ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдиришмоқда.**

## ҒАЛАБАЛАРИМ ҲАЛИ ОЛДИНДА!



Мен Ангор туманидаги қишлоқда яшайман. Олти йил илгари айкидо спорт тури билан шуғуллана бошладим. Олдин Ўзбекистон чемпиони, кейин Осиё кубоги ғолиби бўлдим. Жаҳон кубогида совринли ўринни эгалладим. Шу йил Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлдим. Куни кеча Президентимиз катта мажлисда менинг ва тенгдошларимнинг ғалабаларига юксак баҳо берди. Бу ишонч ва эътибор бизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди.

Ҳали ёшман, спортда, ҳаётда эришадиган асосий ғалабаларим олдинда. Яқинда мураббийлик лицензиясини олдим. Ангор туманидаги 37-умумтаълим мактабининг спорт анжомлари билан жиҳозланган залида 20 нафар ёшга мураббийлик ҳам қилаяпман. Улар орасидан ҳам чемпионлар чиқишига ишонаман.

**Сарвиноз ШАЙДУЛЛАЕВА,**
**Ангор педагогика коллежининг 3-босқич ўқувчиси,**
**Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреати.**

Қадрият — ўзликни англаш

## НАВРЎЗ ВА МИЛЛИЙ ТАРБИЯ




**Бутун халқимиз интизорлик билан кутган, жуда соғинган янгиланиш, яшариш айёми Наврўзи олам кириб келмоқда. Унинг нафаси билан бутун борлиқ уйғонади. Қалблар тиниқлашади. Барчамиз Обод турмуш йилининг баҳорини, Наврўзини кутиб олмоқдамиз.**

Мустақиллик халқимизга сўз ва фикр эркинлиги билан бирга миллий қадриятларимизни ҳам қайтариб берди. Биз Озодлик, Ҳурфикрлилик, Миллий ғурур, Маънавият, Наврўз каби тушунчаларнинг асл мазмун-моҳиятини англаб етдик.

⇨ 2

Бугуннинг гапи

## БАҲОР ҲАВОСИ

***Ёки яқинда ҳароратнинг совиб кетгани-ю қорнинг қалин ёққани ҳамда ёмғирли кунлар сабаблари, Наврўз куни об-ҳаво қандай бўлиши хусусида***

⇨ 4

Муносабат

**Инсоннинг иродасини тоблайдиган, шахс сифатида шакллантирадиган, ҳаётдан муносиб ўрин топишига хизмат қиладиган муҳим соҳалардан бири бу — спортдир. Шу боис соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, соғлом ҳаёт тарзини қарор топтириш, келажак авлодни салбий таъсирлардан асрашда спортнинг ўрнини ҳеч бир бошқа восита билан қиёслаб бўлмайди.**

# БОЛАЛАР СПОРТИ РИВОЖИ

## *соғлом ва баркамол авлод вояга етиши кафолатидир*

Юртбошимиз Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг мажлисидаги маърузасида бунга алоҳида эътибор қаратди.

Мамлакатимиз раҳбари маърузасида охирги 10 йил давомида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 1113 та болалар спорти объекти, жумладан, 252 та янги спорт комплекси, 861 та спорт зали барпо этилгани, буларнинг 84 фоизи қишлоқ жойларда қурилгани алоҳида таъкидланди. Бу нимани англатади? Болалар спортини ривожлантириш, шу орқали фарзандларимизни соғлом, бақувват қилиб тарбиялаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга давлат миқёсида эътибор қаратилмоқда.

Бу ишлар, албатта, ўзининг юксак самарасини бермоқда. Айни пайтда юртимизда 1 миллион 800 минг нафардан ортиқ фарзандларимиз 30 дан ортиқ спорт тури билан мунтазам шуғулланаётгани болалар спортининг нақадар кенг қулоч ёзаётганини кўрсатади. Ўтган йилнинг ўзида профессионал спорт билан шуғулланаётган ўғил-қизларимиз 204 та медаль, жумладан, 81 та олтин, 61 та кумуш, 62 та бронза медали соҳиби бўлгани қувонарли, албатта.

Биргина, сузиш спорт турини оладиган бўлсак, жамғарма маблағлари ҳисобидан 2012 йилда 16 та сузиш ҳавзалари фойдаланишга топширилди. Шу боис халқаро мусобақаларда совриндорлар сафидан ўрин олаётган ўғил-қизларимиз сафи тобора кенгаймоқда. Ўтган йили сузиш бўйича спортчиларимиз томонидан 9 та олтин, 9 та кумуш, 6 та бронза медали қўлга киритилгани фикримизнинг далилидир.

Ушбу маълумотлар кўрсатиб турибдики, болалар спортини ривожлантириш, уни умумхалқ ҳаракатига айлантириш бўйича катта ишлар қилинди. Эндиги вазифа бундан самарали фойдаланиш, соғлом дунёқараш, теран фикрга эга фарзандларимиз сафини тобора кенгайтириш, ҳуқуқий-демократик давлат қуришда уларнинг имкониятларидан тўлақонли фойдаланишдан иборатдир.

Зеро, барча ҳаракатларимиз замирида ҳам айнан халқимиз орзу қилган ва интилиб келаётган эркин ва фаровон ҳаёт қуриш, ҳеч кимдан кам бўлмаган, баркамол авлодни тарбиялаш каби буюк мақсадлар мужассам.

**Шуҳрат ТУРСУНБОЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси.**

ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти

# ЁШ СИЁСАТЧИЛАР

## *ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошмоқда*



— Бугунги кунда сафимизда тўрт минг нафардан ортиқ аъзо бор, — дейди **ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Сирдарё вилоят бўлими етакчиси Мурод Ҳайитов.** — Уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини ошириш мақсадида депутатлар, ҳуқуқшунос, сиёсатшунослар билан учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этиб борамиз.

«Истиқбол» ёшлар қанотининг туман ва шаҳар бўлимларида «Ёш сиёсатчилар» клублари фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, уларга етакчилик қилиш учун қанот аъзолари орасидан энг иқтидорли, интилувчан ва ташаббускор йигит-қизларни танлаб олганмиз.

Клуб машғулотларида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида», «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонунлар ҳамда ЎзХДП Сайловолди платформаси, Ҳаракат дастури чуқур ўрганиб борилмоқда.

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

— «Ёш сиёсатчилар» клубида турли шакл ва усулларда машғулотлар ўтказилади, — дейди **ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Гулистон шаҳар бўлими фаоли Одил Аҳмедов.** — Тадбирларда янги қабул қилинган қонунлар мазмун-моҳияти, ижтимоий аҳамияти борасида фикрлашамиз, ёшлар ва партия электорати манфаатлари нуқтаи назаридан баҳс-мунозара юритамиз. Айрим масалаларда мутахассисларга мурожаат қиламиз. Шу тариқа билимларимизни мустаҳкамлаб бораяпмиз.

Яқинда Оқолтин, Сайхунобод, Сирдарё, Сардоба туманларида «Ёш сиёсатчилар» клублари томонидан «Депутат ва ёшлар», «Адвокат билан учрашув» каби тадбирлар ўтказилди. Қизғин савол-жавоблар билан ўтган бу учрашувлар ёшларда катта қизиқиш уйғотди.

Дарҳақиқат, бугун ёш сиёсатчилар ижтимоий-сиёсий ҳаётга кириб келаяпти. «Ёш сиёсатчилар» клуби эса турли ҳаётий масалаларга уларнинг қарашлари, фаол фуқаролик позицияси шаклланишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Нурали ОРИПОВ**

Қадрият — ўзликни англаш

# НАВРЎЗ ВА МИЛЛИЙ ТАРБИЯ









Ўзбек халқи маданий ҳаётида байрамлар, маросимлар, турли урф-одат ва анъаналар алоҳида ўрин тутади. Бу тадбирлар жамият ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олувчи, ижтимоий муносабатларни намоён этувчи ахлоқий тамойилларнинг тарихан шаклланиб келган мажмуаси ҳисобланади. Ана шундай айёмлардан бири Наврўздир.

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

Юртбошимиз таъбири билан айтганда: ***Наврўзи олам биз учун энг қадимий, асл миллий, ҳар қандай сиёсатдан холи бўлган, узоқ ўтмиш замонлардан буён қадриятларимиз тимсоли бўлиб келаётган хосиятли бир айём, яшариш ва янгиланиш фаслидир.***

Наврўз муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан умумхалқ байрами сифатида қайта тикланди. Эндиликда маънавий-маданий қадриятларимиздан бири бўлмиш ушбу айём том маънода халқимиз камолоти йўлида хизмат қилмоқда.

Кўпчилик бу миллий байрамимиз ҳақида очиқ гапиришга ҳам юраги дов бермаган ўша пайтдаёқ — Президентимиз Ислом Каримов томонидан республикада Наврўз умумхалқ байрамини нишонлаш ҳақида алоҳида Фармон эълон қилинди. Унда инсоний қадриятларни янада камол топтириш, миллий ғурурни мустаҳкамлаш, дўстлик, ҳамжиҳатлик, меҳр-шафқатни улуғлаш, маданий ва тарихий анъаналарни давом эттириш ҳамда ривожлантириш, асрлар давомида шаклланган урф-одатлар ва удумларни эъзозлаш мақсадида қатор тадбирлар белгиланди:

— Наврўз байрами ўтказиладиган 21 мартни дам олиш куни деб эълон қилиш;

— фуқароларнинг, жамоаларнинг Наврўз байрамини ўтказишдаги ташаббускорлигини қўллаб-қувватлаш;

— ҳар бир фуқарога иззат-икром, айниқса, қариялар, болалар, беморлар, ногиронлар, бева-бечоралар, етимларга меҳр-мурувват кўрсатишга алоҳида эътибор бериш;

— қўшни давлатлар билан дўстлик, ҳамкорлик, маданий алоқаларни кучайтириш, меҳмондўстлик ришталарини мустаҳкамлаш;

— Наврўз тантаналарини инсонни улуғлаш, миллий ғурурни кўтариш, ҳамжиҳатлик, биродарлик, меҳр-шафқат, тинч-тотувлик мақсадлари ва ғояларига йўналтириш кабилар шулар жумласидандир.

Маданий меросимиз, анъаналар, урф-одатларимиз биз учун нафақат ўтмишдан ёдгорлик, балки алломаларимиз таъкидлаганидек, инсон ақл-идроки, тафаккурининг буюк маҳсулидир.

Наврўз асрлар давомида инсонларда она заминга, табиатга муҳаббат уйғотган ҳамда меҳр-оқибат, бағрикенглик, ўзаро ҳурмат каби туйғуларни тарбиялаган. Қадим-қадимдан Наврўз арафасида ҳашарлар ўтказилган, ободончилик ишлари амалга оширилган. Шунингдек, ёру биродарлар, қариндош-уруғлар дийдор кўришишган. Байрам тантаналарида миллий маданият, санъат, пазандачилигимизнинг ёрқин намуналари намойиш этилган.

Наврўз миллий тарбиянинг асосий тамойиллари билан йўғрилган халқ байрами. Унда ўтказилган кураш, дорбоз, кўпкари каби миллий томошалар ёшларни жасурлик, эпчиллик, мардлик руҳида тарбиялашга хизмат қилган. Байрамнинг бош — шоҳона таоми ҳисобланган сумалак ризқ-рўз, мўл-кўлчилик рамзи бўлган. Сайлларда кексаю ёш лапар, миллий қўшиқ, достону эртаклар айтиб, халқ оғзаки ижоди дурдоналари орқали эзгулик, меҳр-мурувватни тараннум этган.

Миллий маънавиятимиз мезонлари негизида шаклланган ва умуминсоний ғоялардан баҳраманд бўлиб келаётган Наврўз айёми халқимизнинг энг азиз миллий байрами ҳисобланади. У қалбимиздаги эзгу амалларни уйғотади. Ободлик, бунёдкорлик, яратиш, қуриш каби тамойилларнинг жамиятда барқарор бўлишини таъминлайди.

**Гулнора ҒУЛОМОВА,**
**Тошкент давлат юридик институти доценти.**

ЎзХДП депутати: мавзу атрофида мулоҳаза ва таклиф

# ҲАР БИР ИНСОН ҲАЁТДАН РОЗИ БЎЛИБ ЯШАШИ КЕРАК



**Иш билан бандлик, касб танлаш, билим олиш, даромадга эга бўлиш, сифатли тиббий хизматдан фойдаланиш, кундалик зарур буюмларнинг тўлақонли истеъмоли, шу билан бирга пенсия ва ижтимоий нафақалар билан таъминланиш... Бир қарашда бу жараёнлар одатий ҳолдек туюлади. Чунки бу ҳар биримизнинг кунлик эҳтиёжимиз билан боғлиқ. Бироқ бу борада ҳамма ҳам тенг имкониятга эга эмас-ку...**

Шу боис мамлакатимизда кучли ижтимоий сиёсат юритиш тизими тобора такомиллаштирилиб борилмоқда. Бу эса ҳар бир фуқаро давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик ва яратилган шарт-шароитлардан баҳраманд бўлишига хизмат қилмоқда. Афсуски, жойларда аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, хусусан, кишиларнинг қонуний меҳнатини ташкил этиш, пенсия ва нафақа миқдорини белгилашда меъёрий талабларнинг бузилиши каби ҳоллар учраб турибди.

**Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоси, Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссия раиси Сотиболди Бобоқулов мазкур мавзу атрофида мулоҳаза юритиб, соҳада учраётган камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифларини билдирди.**

— Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, кўмакка муҳтож кишиларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилаяпти, — дейди у. — Бу борада қатор қонунлар ишлаб чиқилди, қарорлар қабул қилинаяпти, давлат дастурлари амалга оширилмоқда. Энг муҳими, шу тариқа одамларимизнинг ҳаётга муносабати ўзгариб, яхши яшашга интилиши кучайиб бораяпти. Бир мисол. Бугун жамиятимизда жисмоний имконияти чекланган бўлишига қарамай, яратилаётган шарт-шароитдан оқилона фойдаланиб, меҳнатнинг бирон бир тури билан шуғулланаётган, ўз оиласи фаровонлигига улуш қўшаётган фуқароларимиз ҳам оз эмас. Айни чоғда улар ўз ҳунари билан иқтисодиёт ривожи, давлат бюджети даромадларини кўпайтиришга ҳисса қўшмоқда.

Айни кунда Тошкент шаҳрида 32812 нафар жисмоний имконияти чекланган фуқаро бор. Уларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ишлаб чиқариш жараёнига жалб қилиш мақсадида партиямиз фаоллари билан бирга қатор ташаббусларни илгари сураяпмиз. Партия ташкилотлари ҳамда депутатлик гуруҳининг ижтимоий ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда олиб борган ишлари натижасида жисмоний имконияти чекланган кўплаб электорат вакиллари ўз ишини бошлаши учун тижорат банкларининг имтиёзли микрокредитлари бўйича сертификатларга эга бўлди.

Партиямиз ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни ўз электорати деб билади. Шу боис ҳар бир депутатимиз ўз сайлов округида ижтимоий кўмакка муҳтож фуқароларни манзилли қўллаб-қувватлаш масалаларини доимий равишда ўрганиб боради. Мен 30-Чоштепа сайлов округидан сайланганман. Сайлов округи 8 та маҳаллани ўз ичига олган. Бу ерда 300 га яқин ногирон, 50 дан ортиқ иш қидираётганлар, 4070 нафар пенсионер бор. Ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар сони эса 32 тани ташкил этмоқда. Шундай қатламнинг ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳаёти фаровонлигини таъминлашга қаратилган ташаббуслар билан чиқиш, халқ депутатлари шаҳар Кенгаши, тегишли доимий комиссиянинг қарорлари қабул қилинишига эришиш учун, албатта, мониторинг керак.

Мен бундан ташқари, сайлов округимда ишлаб чиқаришни, хусусан, оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратаман. Бунда ишчи-хизматчиларнинг меҳнатга оид ҳуқуқлари ҳимоя қилинишига аҳамият берамиз. Ҳозирги кунда ҳудудимизда 200 га яқин хусусий тадбиркор, 50 нафардан ортиқ касаначи фаолият юритаяпти. Биз мунтазам равишда уларнинг фаолияти билан танишиб борамиз. Ҳозир мутасадди ташкилотлар билан бирга мазкур соҳаларни янада ривожлантириш, бандлик масаласини ҳал этиш, касаначилар ҳамда оилавий тадбиркорлик вакилларининг қонуний меҳнатини ташкил этиш бўйича қатор лойиҳалар ишлаб чиқилаяпти.

### МЕҲНАТ ҚИЛАЁТГАН ФУҚАРО ИМТИЁЗЛАРДАН ҲАМ ФОЙДАЛАНИШИ ЗАРУР

Аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлашдаги асосий масалалардан бири бу — норасмий меҳнат билан банд бўлган кишиларнинг меҳнатини қонуний асосда ташкил этишдан иборат. **Пенсия таъминотига муҳтож бўлган қатламни, уларнинг ҳаётий эҳтиёжларини тўлақонли қониқтиришда бунинг аҳамияти катта. Киши меҳнат қилаяптими, демак у давлат томонидан берилаётган барча имтиёзлардан тўлиқ фойдаланиш, вақти келганда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлиши лозим. Фақат қонуний йўл билан меҳнат қилаётган одам ишончли ижтимоий ҳимояланиши мумкин.**

Бу бевосита партиямиз электорати манфаати билан боғлиқ. Шунинг учун ЎзХДП ташкилотлари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари мазкур йўналишда олиб борилаётган ишларни мунтазам назорат қилиши, фуқароларнинг қонуний меҳнатини ташкил этиш ҳамда пенсия ва нафақаларнинг тўғри таъминланиши устидан тизимли мониторинг ўрнатиши зарур. Бир сўз билан айтганда, бу борада белгиланган вазифалар ўз вақтида ҳамда масъулият билан бажарилишига ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак. Электоратимиз манфаатларини ҳимоя қилишда бу муҳим аҳамият касб этади.

### МУАММО ШУНДАКИ...

Ҳали-ҳамон айрим жойларда **пенсия микдорини белгилашда меъёрий талабларни бузиш ҳоллари** мавжуд. Қишлоқ хўжалиги тизимидаги айрим корхона ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ходимларнинг меҳнат фаолияти билан боғлиқ тегишли ҳужжатларни архив идораларига тўлиқ топширмаётган ҳоллар ҳам бор.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектларида кишилар меҳнат дафтарчасисиз ишлаб, расмий ҳужжатларга имзо чекмасдан ҳақ олаётгани, бунинг натижасида тадбиркор давлатга солиқ тўлашдан қочаётганини ҳам кузатиш мумкин. Иш берувчиларнинг ходимлар, умуман, жамият олдидаги бу каби масъулиятсизлиги **вақти келганда фуқароларга пенсия тайинланишида, шунингдек, ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ бошқа масалаларда жиддий муаммолар келтириб чиқаради.**

Ўйлаб кўрайлик, норасмий фаолият юритаётган фуқаро вақти келганда қандай қилиб давлат пенсиясини олади? Бундай кишилар ўз соҳаси бўйича давлат томонидан яратилган имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқидан ҳам маҳрум бўлиб қолади.

### МУАММО ЕЧИМИ БЎЙИЧА ТАКЛИФ

Бу борадаги камчиликларнинг олдини олиш учун ҳар бир ташкилот ва корхонада ишчи-хизматчиларнинг меҳнатга оид ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шунингдек, пенсия ёки нафақа тайинланишини сўраб мурожаат қилган фуқароларга мутасаддилар пишиқ-пухта хизмат кўрсатишлари лозим. Бунинг учун, албатта, иш берувчи тадбиркор, корхона-ташкилотлар раҳбарлари масъулиятини кучайтириш, «Архив иши тўғрисида»ги қонун ижросини қатъий назорат қилиш лозим.

**Гап аҳолининг қонуний меҳнатини ташкил этиш ҳақида кетганда бир масала эътиборимиз марказидан четда қолмаслиги керак. Яъни касб-ҳунар коллежлари битирувчилари меҳнатини ташкил этиш масаласи. Айтайлик, коллеж битирувчиси тадбиркорлик субъектига ишга қабул қилинди. Лекин кўп ўтмай корхона ўз фаолиятини тўхтатди. Энди у бошқа иш қидиришига тўғри келади. Демак, биз назорат-таҳлил жараёнида ишга қабул қилинган йигит-қизларнинг кейинги тақдири, иш жойларининг аниқлиги, барқарорлиги ҳамда меҳнат қонуний асосда ташкил этилганига ишонч ҳосил қилишимиз зарур.**

### ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ЖОРИЙ ЙИЛДА ҲАМ ДИҚҚАТ МАРКАЗИМИЗДА БЎЛАДИ...

Бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш даврида аҳолининг турмуш даражасини ҳисобга олиш, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш долзарб аҳамиятга эга. Шу боис жорий йилда ҳам юртимизда давлат дастурлари асосида жуда катта ишлар амалга оширилиши белгиланган. Давлатимиз бюджетининг 60 фоизга яқини ижтимоий соҳага йўналтирилаяпти. Бу жуда катта кўрсатгич. Энг муҳими эса бу маблағ ўз манзилига етиб бориши, кўзланган самарани бериши зарур. Бу борада бизнинг энг катта вазифамиз ижтимоий соҳага йўналтирилаётган маблағларнинг мақсадли сарфланиши, ижтимоий ҳимоянинг манзиллилиги таъминланиши устидан депутатлик назоратини кучайтиришдан иборатдир.

Шундан келиб чиқиб, партиямиз депутатлик гуруҳи жисмоний имконияти чекланганлар, 250 мингдан ортиқ ёшга доир пенсия олувчилар ҳамда 9 мингдан ортиқ кам таъминланганларга берилаётган нафақаларнинг тўғри тақсимланиши устидан депутатлик назорати ўрнатишни режалаштирди. Жумладан, давлат бюджети томонидан берилаётган ижтимоий нафақаларнинг манзилли тақсимланиши, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунининг ижросини таъминлашда мутасадди ташкилотлар томонидан олиб борилаётган ишларнинг аҳволини ўрганиш белгиланди.

**«Ўзбекистон овози» мухбири Лазиза ШЕРОВА ёзиб олди.**

# КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ — ДЕМОКРАТИК РИВОЖЛАНИШ АСОСИ

**Тошкентда «Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда сифат ва миқдорий ўзгаришлар» мавзуида конференция бўлиб ўтди. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда мамлакатимиз парламенти аъзолари, давлат тузилмалари, фуқаролик жамияти институтлари, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, БМТТД, ЮНИСЕФ каби Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар вакиллари, Франция, АҚШ, Словения, Жанубий Корея, Исроил каби мамлакатлардан хорижий экспертлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.**

Истиқлолнинг дастлабки кунларидан Ўзбекистонда амалга ошириб келинаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг асосий мақсади барқарор ривожланаётган иқтисодиётга эга демократик ҳуқуқий давлат қуриш, инсон олий қадрият ҳисобланган, унинг ҳуқуқлари, манфаатлари ва эркинлиги таъминланиб, салоҳиятини рўёбга чиқариши учун қулай шарт-шароитлар яратилган очиқ фуқаролик жамиятини шакллантиришдан иборатдир. Конференцияда ўз тараққиёт йўлини танлаган мамлакатимиз эришаётган муваффақиятлар Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва бутун дунёда эътироф этилган ислоҳотларнинг «ўзбек модели»ни ҳаётга татбиқ этишнинг амалдаги натижаси экани таъкидланди.

«Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини изчил амалга ошириш доирасида аҳоли кенг қатламлари томонидан қўллаб-қувватланадиган, халқимиз тарихидан чуқур ўрин эгаллаган мустақил иш олиб борадиган, барқарор фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ҳамда ривожлантириш учун барча зарур ташкилий-ҳуқуқий ва моддий шароитлар яратилган.

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти директори Э.Солиҳов ўз маърузасида Президентимиз Ислом Каримов томонидан Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш доирасида мазкур институтда ушбу ижобий демократик жараённи чуқур ўрганиш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилганини қайд этди. Мониторинг тадқиқотлари натижалари мамлакатимизни демократик модернизация қилишда фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамияти муттасил ошаётгани, фуқаролар, айниқса, ёшларнинг фуқаролик онги ҳамда сиёсий-ҳуқуқий маданиятининг барқарор ўсаётганидан далолат беради. Бу эса кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шартидир.

Мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар, ҳаракатлар, касаба уюшмалари, жамоат бирлашмалари ва жамғармалар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, мустақил оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлигини кафолатлайдиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилган. Улар Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг институционал тузилмасини ташкил этади ва фуқароларнинг мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича муҳим вазифаларни бажаришда фаол иштирокини таъминлашга кўмаклашади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи, фуқаролик институтларининг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларига риоя қилиш кафолатлари, уларга тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беришга оид тамойиллар мустаҳкамлаб қўйилган. Бу борада қабул қилинган жами икки юздан ортиқ қонун ҳужжатлари мамлакатимизда фуқаролик жамиятини изчил ривожлантиришда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 23 июнда қабул қилинган «Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида кўзда тутилган комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ушбу ижобий жараённи ривожлантириш, ижтимоий аҳамиятга эга муаммоларни ҳал этишда фуқаролик институтлари ролини кучайтириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий, социал ва ишбилармонлик фаоллигини оширишга ёрдам бермоқда.

2008 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг «Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қўшма қарори қабул қилингандан сўнг бу жараён янада жадаллашди. Ушбу ҳужжатга биноан мамлакатимиз олий қонунчилик органи ҳузурида Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамда ушбу фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси ташкил этилди. 2008-2012 йилларда давлат бюджетидан Жамоат фондига нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари томонидан турли жабҳаларда ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга ошириш учун 22,4 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакилининг ўринбосари Яко Силлерснинг таъкидлашича, «фуқаролик жамияти ҳар қандай мамлакатни ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. Фуқаролик институтларига ислоҳотларни амалга оширишда, жумладан, аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатишда асосий механизмлардан бири сифатида қаралиши жуда муҳим. Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш учун шаклланган ҳуқуқий база, давлатнинг фуқаролик институтларини қўллаб-қувватлаши, хусусан, молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаши, уларнинг давлат органлари билан ўзаро ҳамжиҳатлиги, кўплаб жамоат ташкилотлари самарали фаолият кўрсатишида муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистонда ушбу барча йўналишларда муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Шуниси қувонарлики, фуқаролик жамияти соҳасида фаоллик кучаймоқда. Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий юксалтириш, аҳоли турли қатламларининг ҳокимият органлари билан самарали алоқаларини мустаҳкамлашда фуқаролик жамияти институтлари ролини ошириш учун зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Жумладан, бунда мазкур конференция каби муҳим тадбирларнинг ўтказилиши ҳам алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу каби тадбирлар натижасида давлат ва жамият ўртасидаги амалий мулоқот ривожланмоқда».

Конференцияда Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ушбу муҳим соҳада ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб бергани, унда давлат ва жамият қурилишида фуқаролик институтлари иштирокини изчил кенгайтиришга қаратилган қатор дастурий чора-тадбирлар кўзда тутилгани таъкидланди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) фуқаролик жамияти институтлари тизимида муҳим ўрин тутади. ННТлар фаолияти мамлакатимизни ривожлантириш шартлари ва халқаро стандартларга мос қонунчилик базаси билан таъминланган бўлиб, уларни давлат томонидан самарали қўллаб-қувватлаш механизми яратилган. 2007 йилда қабул қилинган ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг уставда белгиланган фаолиятни амалга ошириш мақсадида зарур ахборотни олиш учун давлат органларига мурожаат қилиш, давлат органларининг ғайриқонуний қарорлари, уларнинг мансабдор шахслари ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлигидан ҳимояланиш ҳуқуқи мустаҳкамланган «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун жамиятимизда уларнинг мақомини янада мустаҳкамлади.

ННТларнинг янада ривожланишига кўмаклашиш мақсадида 2005 йилда ташкил этилган Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳалар ва дастурларни амалга оширишда уларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштирмоқда, бу борада ҳар томонлама ёрдам кўрсатмоқда.

Ушбу чора-тадбирлар ННТлар сонининг кўпайиши ва уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш имконини берди. 1991 йилда мамлакатимизда атиги 95та ННТ фаолият кўрсатган бўлса, бугун улар 6 мингдан ошди. ННТларнинг ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларини амалга ошириш учун ажратилаётган грант маблағлари миқдори ҳам мунтазам кўпайтирилмоқда. Маълумотларга кўра, 2009 йилда ушбу мақсадлар учун 444,6 миллион сўм ажратилган бўлса, 2012 йилда бу кўрсаткич 2300,4 миллион сўмни ташкил қилди. Грантлар олган ННТлар сони ҳам кўпайди — 2011 йилда 122 тадан 2012 йилда 160 дан ошди. Бунда жойлардаги долзарб масалаларни ҳал этишда иштирок этаётган ҳудудий ННТлар сони 2,2 бараварга кўпайди. Айни пайтда уч юздан ортиқ ННТ ижтимоий-иқтисодий ривожланиш давлат дастурини ишлаб чиқишда бевосита иштирок этди, кейинчалик эса ушбу дастурга ижрочилар сифатида киритилди. Бундан ташқари, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурининг аксарият бандлари бевосита ННТлар иштирокида амалга оширилди.

Пировард натижада эса Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш доирасида ишлаб чиқилаётган қонун лойиҳаларини жамоатчилик томонидан муҳокама этиш ҳамда экспертизадан ўтказишда ННТлар фаоллиги ошмоқда.

«Ўзбекистонда давлат фуқаролик жамияти ва унинг институтларини, жумладан ННТларни ривожлантиришга катта ёрдам бермоқда, — деди эксперт Хван Сан Чел (Жанубий Корея). — Бизнинг Осиё маданияти ва ривожланиш институтимиз аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига тиббий ёрдам кўрсатиш дастурини амалга оширишда ҳамкорлик қилмоқда. Тошкентдаги етакчи клиникалар базасида фаолият юритиб, биргаликда операциялар, гуманитар акциялар ўтказмоқдамиз. Шу билан бирга, чекка туманлар аҳолисига юқори малакали маслаҳат ва даволаш ёрдамини кўрсатиш учун кўчма ихчам клиника фаолият юритмоқда. Бу фаолият аҳолига манзилли ижтимоий ёрдам бериш доирасида амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда кенг ривожланган бу жараён, хусусан, ННТ тармоғи ва маҳалла орқали амалга оширилмоқда. Мамлакатингизда тобора мустаҳкамланиб бораётган фуқаролик жамияти тузилмаси Ўзбекистонда одамларнинг кўплаб муҳим муаммоларини ҳал этишга кўмаклашмоқда. Бу эса ривожланиш жараёнида давлат ва жамиятнинг ўзаро самарали ҳамкорлигига ёрқин мисол бўла олади».

Тадбирнинг хорижлик иштирокчилари Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари (ОАВ) юқори даражада ривожланаётгани, мамлакатимизда ОАВ самарадорлиги ва мустақиллигини, ислоҳотларнинг очиқ-ошкоралигини таъминлаш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида кенг кўламли ишлар изчил амалга оширилаётгани ҳамда бу ижтимоий-сиёсий ҳаётни демократлаштиришга ижобий таъсир кўрсатаётганини таъкидладилар.

Бунга мустақил ОАВни ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши учун шарт-шароит яратиш, жамоатчилик назоратини амалга оширишда уларнинг иштирокини кенгайтиришга қаратилган тизимли ҳамда босқичма-босқич ишлар ҳам ёрдам бермоқда. Бу борада «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Журналистлик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида», «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида», «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 30 декабрда қабул қилинган «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги қарори соҳани янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, ўз таркибида юздан ортиқ электрон оммавий ахборот воситасини бирлаштирган Нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди журналистлар, нодавлат ОАВ, жумладан электрон медиа-тузилмаларни тизимли асосда қўллаб-қувватламоқда. 2009-2012 йилларда Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан ўтказилаётган грант танловларида иштирок этаётган ОАВлар сони тўрт баробарга кўпайди. Бу даврда ОАВни ривожлантириш ва фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун ажратилган грант маблағлари ҳажми ҳам 25 баравардан ошди.

Буларнинг барчаси мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг ҳам сифат, ҳам сон жиҳатидан кўпайишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. 1991 йилдан буён уларнинг сони 395 дан 1326 тага кўпайди, уларнинг қарийб 60 фоизи нодавлат ОАВ ҳисобланади. Жойлардаги долзарб муаммоларни аниқлаш ва ёритишда, жамоатчилик назоратини амалга оширишда, биринчи навбатда, ҳудудий ОАВнинг роли, шунингдек, уларнинг танқидий материаллари таъсирчанлиги ошди ва ушбу материаллар бўйича тегишли чоралар кўрилмоқда.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган кўп партияли тизимнинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қоидалари, «Сиёсий партиялар тўғрисида», «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги, қонунлар, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун билан белгиланган. «Парламентдаги кўпчилик» ва «парламентдаги озчилик» тушунчаларига аниқлик киритилган, мамлакатимиз парламенти қуйи палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия Бош вазир номзодини таклиф этиш, уни эгаллаб турган лавозимидан озод этиш ташаббусини билдириш ҳуқуқларига эга.

Мазкур қонун ҳужжатларининг амалга оширилиши кўп партияли тизимни мустаҳкамлашга катта таъсир кўрсатди, парламент, маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятида, мамлакатимиз тараққиёти учун аҳамиятга эга қарорларни қабул қилишда сиёсий партияларнинг иштирокини кенгайтириш асосларини яратди. Айни пайтда мамлакатимиз парламентида тўрт сиёсий партия фракциялари, шунингдек, Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг депутатлар гуруҳи фаолият кўрсатмоқда.

Партиялараро рақобат даражаси ошди, фракциялараро кураш, фракцияларнинг ўз электорати манфаатларини ҳимоя қилиш, ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан депутатлик назоратини амалга ошириш, жойларда қонунлар ижросини текшириш ишлари кучайди. 2012 йилда 2011 йилга нисбатан Халқ депутатлари Кенгашларидаги партиялар гуруҳларидан депутатлик сўровлари сони 33,2 фоизга кўпайди. Мансабдор шахсларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, давлат дастурларини амалга ошириш масалалари бўйича ҳисоботларини эшитиш амалиёти фаол қўлланилмоқда.

«Ўзбекистондаги кўплаб фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз ва бу бизга катта ижобий тажриба бермоқда, — дейди «Минтақавий мулоқот» ННТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси директорининг ўринбосари Катя Гершак (Словения). — Фуқаролик жамияти — демократик давлат барпо этишнинг муҳим ташкилий қисмидир. Унинг моҳияти шундаки, одамлар бир-бирига ёрдам беради. Ўзбекистонда бундай ҳамкорликка одамлар фаровонлиги йўлида фаолият кўрсатаётган турли жамоат ташкилотлари ишига фуқаролар ҳам жалб этилаётган маҳалла институти ёрқин мисол бўла олади. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга кўмаклашаётган яна бир ижобий тажрибани мисол тариқасида қайд этишни истардим. Айни пайтда янги қонунларнинг ишлаб чиқилган лойиҳаларининг жамоатчилик томонидан кенг муҳокамаси ташкил этилган».

Ўзбекистонда давлат бошқарувини демократлаштириш жараёнида вазифаларнинг бир қисмини жамоат ташкилотлари, шу жумладан фуқароларнинг маҳалла каби ноёб ўзини ўзи бошқариш органига босқичма-босқич ўтказиш муҳим масалалардан биридир.

Мамлакатимизда фуқароларнинг 10 мингга яқин ўзини ўзи бошқариш органлари илгари маҳаллий ҳокимият органларининг алоҳида ҳуқуқлари доирасига кирган ўттиздан ортиқ вазифани бажармоқда, чунончи, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, жамиятимизда маънавий-ахлоқий қадриятларни қарор топтириш, баркамол ёш авлодни тарбиялаш, аҳоли бандлигини ошириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ҳудудларни ободонлаштириш каби кўплаб масалаларни самарали ҳал этмоқда.

Маҳалла аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорлик марказига айланмоқда. Фуқаролар йиғинлари ҳузурида ташкил этилган маслаҳат марказлари тадбиркорлик фаолиятини юритиш бўйича ўқув курсларини ташкил қилмоқда, ишга жойлаштириш ва кадрларни қайта тайёрлаш, кичик корхоналарни рўйхатдан ўтказиш ҳамда банк кредитларини олиш учун ҳужжатларни расмийлаштиришга кўмаклашмоқда. Бу ишларнинг ҳаммаси юксак натижалар бераётир. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари иштирокида 2012 йилда 633 мингта янги иш ўринлари яратилди ва бу 2011 йилдагига нисбатан учдан бир баробар кўпдир.

Мамлакатда ҳаётга татбиқ этилаётган демократик ислоҳотлар самарадорлиги кўп жиҳатдан фуқаролар онги, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятининг нечоғли ривожланганига боғлиқдир. Шу боис мустақилликнинг дастлабки кунларидан ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аҳолида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонунларни ҳурмат қилиш, ўзининг конституцион ҳуқуқлари, Ватанимиз тақдирига, мамлакатимиз ҳамда дунёда рўй бераётган воқеаларга дахлдорлигини англаш туйғусини шакллантириш муҳим вазифалардандир.

Тадбир иштирокчилари Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг муҳим вазифаси сифатида инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича узлуксиз таълим ва маърифат, аҳоли ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини оширишга доир ноёб, яхлит тизим яратилганини қайд этдилар.

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида» ва «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги фармонлари мазкур соҳани ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. 1997 йилда Жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш миллий дастури қабул қилинди. 2008 йилда эса давлатимиз раҳбарининг фармони билан тасдиқланган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастурига мувофиқ аҳолининг ҳуқуқий билимларини юксалтириш, жамиятимизда инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришга доир чора-тадбирлар амалга оширилди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш доирасида ҳам ушбу соҳада изчил ишлар бажарилди. Ўзбекистонда 2011 йилдан буён Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича идоралараро кенгаш фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ Инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий ҳаракат дастури ишлаб чиқилмоқда. Унда шахс ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасида қонунларга риоя этиш устидан жамоатчилик мониторингини амалга ошириш, жамиятимизда инсон ҳуқуқлари маданиятини ривожлантиришга оид янада кенг кўламли чора-тадбирлар кўзда тутилади.

Конференцияда аҳолининг юксак ҳуқуқий маданияти демократик жамият асоси ва уни ривожлантириш кафолати экани таъкидланди. Бу жараёнга фуқаролик институтлари ҳам янада фаолроқ жалб этилмоқда. Қонун устуворлиги принципини амалга ошириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқий маданиятини оширишда уларнинг ўрни ортиб бораётир.

«Бундай ўта муҳим мавзуга бағишланган конференцияда қатнашиш мамлакатингизда бу борада тўпланган тажрибани янада чуқур ўрганиш имконини беради, — дейди эксперт Идан Пейсахович (Исроил). — Масалан, «Камолот» каби йирик ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиши, ёшларнинг етакчилик кўникмаларини ривожлантириш, уларга билим олиш, ишга жойлашишда, ижтимоий муаммоларни ҳал этишда ҳар томонлама ёрдам бериш жуда яхши тажриба бўлиб, уни, жумладан Исроилда ҳам ўрганса ва қўлласа арзийди. Фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш бўйича очиқ мулоқот жараёнига кенг жамоатчилик жалб этилган, хусусан, хорижлик экспертлар иштирокида давра суҳбатлари, конференциялар ўтказилмоқда. Бу борада мамлакатингиздан ибрат олса арзигулик жиҳатлар кўп. Ўзбекистон Президентининг оқилона ва аниқ мақсадга йўналтирилган сиёсати самарасида мамлакатингизда фуқаролик жамиятини ва унинг институтларини барча даражада ривожлантириш учун зарур шароит ва имкониятлар яратилган. Бу жуда тўғри йўл бўлиб, ундан бундан буён ҳам самарали ҳаракат қилишингизга ишонаман».

Фуқаролик жамияти институтлари Ўзбекистонда аҳолининг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, шахс ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш, инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришда муҳим омил бўлмоқда. Фуқаролар мурожаатлари сони кўпаймоқда, уларда кўтарилаётган масалалар давлат органлари ҳамда жамоат ташкилотлари фаолиятидаги мавжуд муаммо ва камчиликларни аниқлаш, бартараф этишга ёрдам бермоқда.

Конференция қатнашчиларининг таъкидлашича, буларнинг барчаси Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва унинг институтларини ислоҳ этиш ҳамда демократлаштириш, ривожлантириш жараёни муқаррарлик касб этганидан далолат беради. Унинг турли жиҳатлари бўйича Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан ҳудудларда 1,3 мингдан ортиқ тадбир, шунингдек, ишлаб чиқилаётган қонун лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамасига бағишланган икки юзга яқин давра суҳбатлари ва семинарлар ташкил этилди. Миллий ва чет эллик шериклар билан ҳамкорликда Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, янги қонунлар лойиҳаларини муҳокама этиш ҳамда улар бўйича таклифлар ишлаб чиқишга доир амалга оширилаётган чора-тадбирлар мазмун-моҳиятини очиб беришга оид ўн битта халқаро конференция, давра суҳбати ва семинарлар ўтказилди.

Шу билан бирга, конференциядаги ҳар томонлама муҳокама ва фикрлар алмашиш давомида аҳоли, жумладан ННТлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари етакчилари ва фаолларнинг ҳуқуқий билим даражаси, сиёсий маданиятини ошириш, давлат органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш муҳимлигини тушунтириш ишларини янада яхшилаш талаб этилаётгани таъкидланди. Шу муносабат билан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтига фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг самарадорлигини янада оширишга монелик қилаётган омилларни комплекс равишда ўрганиш ва таҳлил қилиш, Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг аҳволига оид йиллик миллий маърузалар тайёрлашни амалиётга жорий этиш тавсия этилди.

Конференция якунлари бўйича тегишли тавсиялар қабул қилинди, улар фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасида фаолият кўрсатаётган миллий институтлар ишида эътиборга олинади.

**Анна ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Миллий матбуот марказида

# ЁШЛАР УЧУН БЕЛГИЛАНГАН ИМТИЁЗЛАР

**Ёшлар орасида олий ҳарбий билим юртларида ўқишни истовчилар жуда кўп. Хўш, олий ҳарбий таълим муассасаларида ўқиш учун қандай талаблар мавжуд? Бу борада қанақа имтиёзлар белгиланган?**

Мудофаа вазирлиги томонидан ўтказилган «Олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга кираётган ёшлар учун белгиланган имтиёзлар» мавзуидаги матбуот анжуманида шу сингари қатор саволларга жавоб олинди.

Унда Мудофаа вазирлиги, Давлат тест маркази, олий ҳарбий таълим муассасаларининг масъул ходимлари иштирок этди.

Президентимизнинг ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларига мувофиқ олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга кираётган ёшлар учун бир қатор имтиёзлар белгиланган. Жумладан, тегишли вазирлик ёки идора томонидан белгиланган танловларнинг халқаро ва республика Фан олимпиадалари ғолиблари олий ҳарбий таълим муассасаларига мутахассислик йўналишининг асосий фанига мувофиқлиги бўйича Давлат комиссиясининг қарори билан (якуний тиббий текширув, руҳий ва жисмоний тайёргарлик кўрикларидан сўнг) ўқишга тест синовларисиз қабул қилинадилар. 5 йил давомида сержантлар таркиби лавозимларида бенуқсон хизмат қилган ҳарбий хизматчиларга тест синовларида тўланиши мумкин бўлган энг кўп баллнинг 20 фоизи миқдорида қўшимча имтиёз берилади. Шунингдек, «Энг илғор сержант» танловининг республика босқичи ғолиблари олий ҳарбий таълим муассасаларига танлов (конкурс)дан ташқари қабул қилиниш ҳуқуқига эга бўладилар.

Олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга кирувчи ҳарбий академик лицейларнинг битирувчиларига улар тўплаган баллар сонига қўшимча энг кўп йиғиш мумкин бўлган умумий баллнинг 10 фоизи миқдорини қўшиш йўли билан имтиёзли қабул шартлари белгиланган.

Қуролли Кучлар сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган, ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг тегишли тавсияномаларига эга бўлган фуқаролар барча йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича бакалаврлар тайёрлашда республиканинг барча олий таълим муассасаларига киришда тўплаш мумкин бўлган максимал балларнинг 27 фоизи миқдорида қўшимча балл шаклидаги имтиёзга эга.

Хизмат вазифаларини бажариш вақтида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг фарзандлари олий ҳарбий таълим муассасаларига тиббий текширув натижаларига ҳамда тегишли вазирлик ва идора раҳбарининг тавсияномасига асосан Давлат комиссиясининг қарори билан танловдан ташқари тест синовларисиз қабул қилинади.

Тадбирда шулар ҳақида тўлиқ маълумот берилди ва журналистларнинг саволларига жавоб қайтарилди.

**Равшан ШОДИЕВ**

Реклама






**Комбинат строительных материалов и конструкций ОАО «АХАНГАРАНЦЕМЕНТ» предлагает свою продукцию:**

Бетонная смесь разных марок
Строительный раствор
Блоки бетонные для стен подвалов
Камни ж/б бортовые (бордюры)
Кольца стеновые (колодцы)
Лотки прикромочные ж/б
Панели ограждения ж/б
Плиты перекрытия ж/б многопустотные
Стойки опор воздушных линий электропередач ж/б

**Производственный план комбината — 30 000 метр куб в год. Предлагаются услуги фирменных автобетоновозов.**

**Контакты КСМиК:**
*телефоны:* +99890 370 37 99; +99890 370 30 82;
*Факс:* 8 99871 215 27 44

**Контакты управления сбыта:**
*телефоны:* 8 370 645 70 04, 8 370 645 70 05.
*Факс:* 8 370 645 70 02.









**2013 йил — Обод турмуш йили**

# Янги бекат

## *Наврўз байрами арафасида фойдаланишга топширилди*

***Олтинсой туманида кўркам соғломлаштириш масканлари, ажойиб турар-жойлар, таълим муассасалари, бетакрор иншоотлар қад ростламоқда. Яқинда ҳудудда иш бошлаган янги автошоҳбекат ҳам шулар жумласидандир.***

— Тўйга тўёна билан бориш халқимизга хос анъаналардан, — дейди «Олтинсойтранс» масъулияти чекланган жамияти раиси Ўрол Абдураимов. — Қарийб 1 миллиард сўм эвазига бунёд этилган ушбу масканда йўловчилар ва ҳайдовчилар учун барча шароитлар яратилган. Вилоятлар ва шаҳарлараро йўналишларда қатновлар йўлга қўйилгани юртдошларимизни мамнун этмоқда.

***Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, она ва бола соғлигини муҳофаза қилишни янада яхшилаш борасида Сурхондарё вилоятининг Денов туманида «Саломатлик ҳафталиги» ўтказилди.***

# Тиббий кўрик

Унда пойтахтимиздан келган тажрибали шифокор ва мутахассислар болалар, ўсмир ўғил-қизлар ҳамда аёлларни тиббий кўрикдан ўтказди.

— Ҳафталикдан кўзланган асосий мақсад турли хил касалликларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, бу борадаги тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтиришдир, — дейди туман «Саломатлик маркази» шифокори Акбарали Ҳайбилов. — Кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилалар фарзандлари ҳамда ногиронларга эса алоҳида эътибор қаратилди.

— Ҳудудимиз туман марказидан қарийб 40 километр олисда жойлашган, — дейди «Ўшор» маҳалласида истиқомат қилувчи Абдуғаффор Очилов. — Саломатлик посбонларининг тоғли қишлоққа келгани айни муддао бўлди. Айрим беморларга ўз соғлиқларини тиклашлари учун бепул йўлланмалар берилди.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Реклама









# «ТОШКЕНТ ТРАКТОР ЗАВОДИ»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

юртдошларимизни нафосат ва гўзаллик айёми —

НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан муборакбод этади!





Баҳор байрами юртимизга тинчлик-хотиржамлик, тўкин-сочинлик олиб келсин.

Ўзаро меҳр-оқибат, келажакка бўлган ишонч ва яратувчанлик шижоати сизларни асло тарк этмасин!



# ЧОРТОҚ ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

меҳнатсевар, мард ва матонатли, танти халқимизни баҳор ва гўзаллик байрами —

НАВРЎЗ

билан табриклайди!



Бу байрам табиатнинг бизга улуғ инъоми, инсонни ўз яқинларининг қадрига етиш, ён-атрофдаги одамлар, маҳалла-кўй, элу юрт билан баҳамжиҳат, меҳр-оқибатли бўлиб, бир-бирига қалб қўрини бағишлаб яшашга даъват этувчи мўжизадир.

Мана шундай шукуҳли дамларда барчанинг қалб тўридаги энг эзгу орзулари рўёбга чиқишини тилаймиз!

# «МИКРОКРЕДИТБАНК» ОАТБ ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

MIKROKREDITBANK

юртдошларимизни, ўз мижозларини

НАВРЎЗИ ОЛАМ БИЛАН

қутлайди!

## ЎҚИТАМИЗ, ЎРГАТАМИЗ, САРМОЯ БЕРАМИЗ!

«Микрокредитбанк» ОАТБ Фарғона вилоят филиали жамоаси ўз ички сиёсатида устувор вазифалардан бири сифатида мижозларни тадбиркорликка, ишлаб чиқариш орқали бозорни эгаллашга, маблағини кўпайтиришга ўқитади, ўргатади. Бунинг учун вилоятдаги иқтисодиёт институтлари мутахассислари, тадбиркорлар, олим ва амалиётчилар, банк-молия маслаҳатчилари жалб этилган доимий фаолият кўрсатадиган амалий ўқув семинари мавжуд. Унда «Микрокредитбанк» ОАТБ Фарғона вилоят филиали мижозлари тоифаланиб ўқитилмоқда. Натижада:

— касб-ҳунар коллежи битирувчиларидан 453 нафари ўқитилиб, уларга ўз бизнесини очиш ҳамда юритиш учун 1223 миллион сўм микросармоялар ажратилди;

— вақтинча ишсиз уйда ўтирган аёлларнинг мингдан ортиғи ўқув семинарларга жалб этилиб, ҳунармандлик соҳасида оилавий тадбиркорлик қилмоқчи бўлган аёллар ажратиб олинди, улар дастлабки айланма маблағ, хомашё, кичик технология ва иш қуроллари учун имтиёзли кредит билан таъминланди. Қисқа муддатда банкнинг сармоявий қўллаб-қувватлаши туфайли 943 та янги иш ўрни яратилди;

— биргина Тошлоқ туманида республика хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилган ўқув семинари якунига кўра, илгари ҳеч қаерда ишламаган 45 нафар аёлнинг ҳар бирига 2 миллион сўмдан кредит сармоялари ажратилди;

— «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросига қаратилган лойиҳа иштирокчиларидан 50 нафар тадбиркор аёллар «Микрокредитбанк» сармоясини олиш арафасида.

***Биз учун ҳар бир мижоз қадрли!***
***Биз билан мулкли бўлинг ва даромад топинг!***

«Микрокредитбанк» ОАТБ Фарғона вилоят филиали Қувасой шаҳрида 14 та дўкондан иборат «Савдо мажмуаси»ни қуриб битказди. Наврўз байрами арафасида сиз уларнинг бирига эгалик қилишингиз мумкин. Савдо дўконлари лизинг асосида 5 йил муддатга берилади.

***Мурожаат учун манзил:***
**Фарғона шаҳри, Янги сой кўчаси, 1-уй,**
***тел:* 224-97-94, 224-72-26.**
**«Микрокредитбанк» ОАТБ Фарғона вилоят филиали.**

**«Микрокредитбанк» ОАТБ Фарғона вилоят филиали жисмоний шахслар учун қуйидаги омонатларни таклиф этади:**

| Омонат тури | Муддати | Йиллик устамаси | Изоҳ |
|---|---|---|---|
| «ГЎЗАЛ ҲАЁТ» | 6 ой | 24 % | Фоизлар ҳар ойда омонатчига тўлаб борилади. Омонатга қўшимча маблағлар қабул қилинади. |
| «КАПИТАЛ» | 1, 2, 3 йилга | 24 % | Фоизлар ҳар ойда омонатчига тўлаб борилади. Омонатга қўшимча маблағлар қабул қилинади. |
| «ФАХРИЙ» | 18 ойга | 24 % | Фоизлар ҳар чоракда омонатчига тўлаб борилади. Омонатга қўшимча маблағлар қабул қилинади. |
| «БОЛАЖОН» | 1 йилдан 15 йилгача | 20 % | Омонат вояга етмаган болалар номига, боланинг туғилганлиги ҳақида гувоҳномаси тақдим этилган ҳолда очилади ва маблағлар нақд пулда ҳамда пул кўчириш орқали қабул қилинади. Бунда пул кўчирувчи сифатида боланинг ота-онаси, қариндошлари, ихтиёрий ҳомий фуқаро ёки корхона ва ташкилот қатнашиши мумкин. |
| «ОБОД ЮРТ» | 3 ой, 6 ой 9 ой, 12 ой | 22 %, 23 %, 24 %, 25 % | Фоиз тўловлари омонат муддати тугагандан кейин тўланади. |
| «ФАРОВОН ТУРМУШ» | 18 ой | 25 % | Фоиз тўловлари омонат муддати тугагандан кейин тўланади. |

**«Микрокредитбанк» ОАТБ Фарғона вилоят филиали омонат хизматидан фойдаланинг!**

*Хизматлар лицензияланган.*








Ташкилотлар, компаниялар ва фирмалар раҳбарлари диққатига!

# СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

**бошқарма тасарруфидаги «Баркамол авлод» болалар марказлари учун мебель ва жиҳозлар, асбоб-ускуналар харид қилиш учун очиқ тендер савдолари ўтказилишини**

## ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Тендер савдолари очиқ турда бўлиб, халқ таълими муассасаларига мебеллар ва жиҳозлар етказиб бериш тажрибасига эга бўлган хорижий фирмалар ва ташкилотлар ҳамда юртимиз ишлаб чиқарувчилари (товар етказиб берувчилар) қатнашишлари мумкин.**

1. Харид қилинадиган маҳсулотлар:

**Лот №-1:** 43 турдаги мебеллар харид қилиш, умумий максимал нархи – **250,0** млн.сўм.

**Лот №-2:** экология, ўлкашунослик, техника, бадиий ижодиёт йўналишлари бўйича тўгаракларни жиҳозлаш учун 291 турдаги жиҳозлар, асбоб-ускуналар харид қилиш, умумий максимал нархи – **860,7** млн.сўм.

2. Тендер комиссиясининг ишчи органи:

Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитасининг Сурхондарё вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Почта ва манзил: 190104, Термиз ш., Амир Темур кўчаси, 69-уй.

Тел/факс: (8-376) 222-44-57;
222-44-73; 222-44-76.

3. Тўлов шартлари: бўнак — 15 %, жиҳозлар харидорнинг омборига етказиб берилгач — 80%, назорат текширувидан сўнг – 5 %.

4. Етказиб бериладиган мебеллар, жиҳозлар, асбоб-ускуналар номи, уларнинг миқдори, етказиб бериш шартлари ва муддатлари ҳақида маълумотлар тендер ҳужжатлари ва тендерда қатнашиш учун таклифномада кўрсатилган.

5. Мебель ва жиҳозларни етказиб бериш муддати бўнак тўловидан сўнг – 60 календарь куни.

6. Тендер бошланишидан олдин тендер комиссияси томонидан талабгорларни малакавий саралаш жараёни ўтказилади.

7. Тендер ҳужжатларини харид қилиш қиймати тендерда қатнашиш учун таклифномада кўрсатилган.

8. Закалат пули (тендер таклифи кафолати) миқдори тендер ҳужжатлари ва тендерда қатнашиш учун таклифномада кўрсатилган.

9. Закалат пулини тўлаш тартиби, тендер ҳужжатларини харид қилиш учун тўловни амалга ошириш бўйича банк реквизитлари тендер ҳужжатлари ва тендерда қатнашиш учун таклифномада келтирилган.

10. Тендер таклифларини қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 17 апрель соат 18-00 гача.

11. Тендер савдоларини ўтказиш бўйича қўшимча маълумотларга эга бўлиш учун Сурхондарё вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин.

Реклама

## «Ўз Санг Ву» Ўзбекистон — Корея қўшма корхонаси ишчи-хизматчилари мамлакатимиз аҳолисини 21 март – Наврўз байрами билан қутлайди.

**Қўшма корхона 2012 йил 25 октябрда Фарғона шаҳрида иш бошлади. Ўтган вақт мобайнида «GM UZBEKISTAN» ЁАЖга ҳар куни 250 комплектда «Cobalt» автомобилининг 183 турдаги қисмларини етказиб бермоқда. Бир йилда 120 минг комплект автомобиль қисмлари ишлаб чиқариш қувватига эга.**

**575 кишидан иборат ишчи ва муҳандислар бир оиладек меҳнат қилишмоқда. Уларнинг 65 нафари касб-ҳунар коллежи битирувчиларидир.**

**Мансуржон Нуриддинов, Шукур Тўхтасинов, Нозим Обидов каби ёш мутахассис ва ишчилар қўшма корхонанинг фахри ҳисобланади.**

**«Ўз Санг Ву» халқимизга фаровонлик, ҳар бир оилага бахт-саодат, мустаҳкам саломатлик тилайди!**



## Ҳурматли юртдошлар!

# «Асака» банк (ОАЖ) жамоаси

## Сизларни Наврўз байрами билан табриклайди ва қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:

**Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин. Мурожаат учун: «Асака» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.**

### «НАВРЎЗ – 2013»

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 13 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади

**Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади!**

### Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган!

| Филиаллар | Код | Телефон |
|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 |
| «Автотранспорт» филиали | 371 | 120-39-95 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 |
| Сирғали филиали | 371 | 258-67-49 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 224-40-96 |
| Асака филиали | 374 | 233-13-69 |
| «Фарҳод» филиали | 374 | 226-97-53 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 224-70-83 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-12-37 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-10-11 |
| Қўқон филиали | 373 | 552-61-04 |
| Наманган вилоят филиали | 369 | 226-94-75 |
| Навоий вилоят филиали | 436 | 223-54-32 |
| Зарафшон филиали | 436 | 573-18-78 |
| Бухоро вилоят филиали | 365 | 223-71-94 |
| Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Самарқанд вилоят филиали | 366 | 231-08-86 |
| «Афросиёб» филиали | 366 | 221-77-56 |
| Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-12-93 |
| Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 770-82-12 |
| Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-59 |
| Хоразм вилоят филиали | 362 | 226-97-78 |
| Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |

**«Асака» банк (ОАЖ) — сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!**

*Хизматлар лицензияланган.*

Газетанинг навбатдаги сони 20 март, чоршанба куни чиқади.

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari), Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:
Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 346
20311 nusxada bosildi.
Nashr ko`rsatkichi – 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21.45
Topshirilgan vaqti — 00.00

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Abdusalim MAHMUDOV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5